

КАФЕДРАДАГИ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРНИ БАЖАРИШДА
ТАЛАБАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Насиров Илхам Закирович

*т.ф.н., доцент,**Андижон машинасозлик институти, Ўзбекистон*

2023 йил Ўзбекистонда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб эълон қилинди. Биз учун инсонга эътибор- ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашдир. Бунда жамиятимизнинг асоси таълим- ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир [1,2].

Маълумки, инсонга эътибор аввало маҳалладан бошланади. Кишилар ўзининг асосий вазифаларини– фуқароларнинг касбий компетенцияларни эгаллашга ва маҳалланинг юксак интеллектга эга бўлган мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини қондиришни муносиб тарзда бажариши учун олий таълим муассаларининг ўрни беқиёсдир.

Эслатиб ўтамиз, жорий йил 20 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида. Президентимиз “Энг катта бойлик– ақл ва билим, энг катта мерос– яхши тарбия, энг катта қашшоқлик– жаҳолатдир” деган эдилар. [3-5].

Олий таълим муассаларида талабаларнинг таълим, тарбия ва бунёдкорлик кўникмаларини шакллантирилишида мустақил таълимдан кенг фойдаланилади. Мустақил таълим- муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштирилишига йуналтирилган тизимли фаолиятдир [6,7].

Шунинг учун ҳар бир профессор- ўқитувчи дастлаб талабада ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч ўйғотиши, уларни сабр-тоқат билан, босқичма-босқич мустақил билим олишни тўғри ташкил қилишга ўргатиб бориши лозим бўлади. Талабалар томонидан мустақил равишда ўзлаштириладиган билим ва кўникмаларнинг курсдан-курсга мураккаблашиб, кенгайиб боришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ташаббускорлиги ва ролини ошириб бориш зарур. Шунда мустақил таълимга кўника бошлаган талаба фақат ўқитувчи томонидан белгилаб берилган ишларни бажарибгина қолмай, ўзининг эҳтиёжи, қизиқиши ва қобилиятига қараб, ўзи зарур деб ҳисоблаган қўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб ўзлаштиришга ўрганиб боради [8,9].

Олий ўқув юртини тамомлаган талаба тайёр муҳандис, лекин уни малакали муҳандис бўлиб ишлаб кетиши учун, унинг мутахассис сифатида тўғри фикрлаши, ўйлаши ва бошқариши учун ҳали кўп меҳнат ва вақт керак бўлади. Бу меҳнат ва вақтни қисқартириш, ҳамда халқ хўжалигига малакали мутахассис тайёрлаб бериш учун талабаларни институтда ўқиётган пайтидаёқ илмий ишларга жалб этиш керак.

Илмий ечимларни талабалик йилларидаёқ ечиб кўрган талабалар ҳаётда учраган тўсиқларни мардонавор енгил усуллари ҳам ўрганиб боради [10,11].

Мустақил ишларнинг мавзулари магистрант ва талабаларнинг қобилиятига мос қилиб танланади. Бунда изланишларнинг шакли қуйидагича бўлиши мумкин: материалларнинг хоссаларини текшириш; турли машина, асбоб- ускуналарни синаш; лаборатория машғулоти учун постлар тайёрлаш; назарий қонуниятларни тажрибада исботлаш, автомобилларнинг эксплуатацион хусусиятларини ўрганиш, текшириш ва такомиллаштириш; муҳандислик қурилмалардаги жараёнларни моделлаштириш ва назарий изланишлар.

Анджон машинасозлик институтида талабаларнинг мустақил ишлашини ташкил этиш бўйича янги усул яратилган. Унга асосан ўқитувчи ҳар бир фаннинг бошланишидаёқ талабаларга мустақил ишларни тарқатиб беради. Бунда ҳар бир мустақил ишларнинг мавзулари фаннинг наъмунавий дастурига, демак маърузалар тўпламига киритилган мавзулар билан бир хил бўлади. Талаба мустақил ишни тайёрлашда аввало мавзу бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Олий таълим фан ва инновациялар вазирлигининг қарорларидан кўчирмаларни топиб берилган мавзу, яъни маъруза матнининг бошига жойлаштиради. Сўнгра матннинг охирига шу мавзудаги назарий қонуният, хосса ва формулаларни амалда қўллаш ва хулосалар чиқариш билан якунлайди. Натижада ҳар бир маърузанинг матни давлатимизнинг янги қарорлари билан бойиган Кириш ва амалий қўлланилиши билан бойиган Хулоса қисмлари билан тўлдирилади [12-14].

Маърузачи ҳар бир мавзунини якунлагандан сўнг шу мавзунини мустақил иш мавзуси сифатида танлаган талабага мустақил ишини тақдим қилиши учун вақт беради. Талаба тақдимотда мавзу бўйича мустақил равишда ўзлаштирган давлатимизнинг янги қарорлари ва илмий- техник адабиётлардаги маълумотлар билан талабаларни ҳамда маърузачини таништиради. Шундан сўнг маърузачи- илмий раҳбар томонидан талабанинг тайёрлаган мустақил ишига ўзгатиришлар киритилади, шундан сўнг ушбу маъруза матни илмий мақолага айлантирилади.

Натижада семестр давомида фан бўйича ҳар бир мавзунинг маъруза матни алоҳида илмий мақолага ва маърузалар тўплами эса- ўқув қўлланмага айланади. Тажрибалар шуни кўрсатдики, бундай илмий изланишлардан талабага ҳам, илмий раҳбарга ҳам фойдадир, чунки талабалар ушбу изланишлар натижаларини Битирув- малакавий ишларида, кейинчалик магистрлик диссертацияларида қўлласа, илмий раҳбарлар учун бу изланишлар ўзларининг илмий ишлар рўйхатини бойитишига ёрдам беради.

Дарсларни ушбу технология асосида олиб бориш талабаларнинг ўзлаштиришини 70-80 % га иқтидорли талабалар миқдорини 40-50 % га орттиришга ёрдам берди [15,16].

АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. 2023 йил "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб эълон қилинди. <https://aniq.uz/yangiliklar/shavkat-mirziyoev-2023-yil-nomini-elon-qildi>.
2. Насиров И.З., Зокиров И.И. Обучение детей творчеству в семье// Международный научно-образовательный электронный журнал «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ». Выпуск №14 (том 3) (май, 2021). Дата выхода в свет: 31.05.2021. М.: ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». с. 69-74.
3. Насиров И.З., Капский Д.В. На одного ребенка семь махаллы- родители! ...// Материалы 49-й Всероссийской научно-технической конференции молодых ученых, аспирантов и студентов с международным участием, посвященной 90-летию Башкирской нефти/ ISBN 978-5-93105-486-5, коллектив авторов. – Уфа: Изд-во УГНТУ, 2022. – 837 с. , с. 691-694.
4. Nasirov Ilham Zakirovich. Parallel educational and scientific works in higher educational institution //МАШИНАСОЗЛИК ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ №3, 2022 йил. Андижон: web.andmiedu.uz ISSN 2181-1539, 517-522 б.
5. Nasirov Ilham Zakirovich, Sarimsaqov Akbarjon Muminovich, Teshaboyev Ulugbek Mirzaahmadovich, Gaffarov Mahammatzokir Toshtemirovich. Tests of a reactor for supplying hydrogen and ozone to an internal combustion engine// International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE) ISSN: 1308-5581. DOI 10.9756/INT-JECSE/V14I3.693? Vol 14, Issue 03 2022, 5296-5300 p. https://scholar.google.ru/scholar?hl=ru&as_sdt=0,5&cluster=14177457962591828622.
6. SARIMSAQOV AKBARJON MUMINOVICH and NASIROV ILHAM ZAKIROVICH (2022). PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF MULTIMODAL TRANSPORTATION TECHNOLOGY// Saybold Report (TSRJ): Saybold Publications, Box 644, 428 E. Baltimore Ave. Том 17, № 08 (2022) | doi.org/10.5281/zenodo.6969371, p. 468-475. СМИ, Пенсильвания, 19063. editor@sayboldreport.org.
7. NASIROV ILHAM ZAKIROVICH, GAFFOROV MAKHAMATZOKIR TOSHTEMIROVICH, RAKHMONOV KHUSHNUDBEK NURMUHAMMAD UGLI. THE EFFICIENCY OF A LAVAL NOZZLE SPARK PLUG //Saybold Report (TSRJ): Saybold Publications, Box 644, 428 E. Baltimore Ave. Том 17, № 08 (2022) | doi.org/10.5281/zenodo.6969359, p. 458-467. СМИ, Пенсильвания, 19063. editor@sayboldreport.org. https://scholar.google.ru/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=dOzizgwAAAAJ&cstart=20&pagesize=80&citation_for_view=dOzizgwAAAAJ:_FM0BhI9EiAC
8. Nasirov Ilham Zakirovich, Sarimsakov Akbar Muminovich, Gaffarov Mukhammadzokir Toshtemirovich, Abbasov Saidolimkhon Jaloliddin ugli/ Results of

Testing Hydrogen Biogas on a Vehicle// Jundishapur Journal of Microbiology Research
Article Published online 2022 October Vol. 15, No.2 (2022), p. 880-887.

9. Nasirov Ilham Zakirovich , Rakhmonov Khurshidbek Nurmuhammad ugli ,
Abbasov Saidolimkhon Jaloliddin ugli. (2022). Tests Of The Braun Gas Device. *Journal
of Pharmaceutical Negative Results*, 1545–1550.
<https://doi.org/10.47750/pnr.2022.13.S08.185>. <https://www.pnrjournal.com/index.php/home/article/view/3130>

10. Nasirov Ilham Zakirovich, & Rakhmonov Khurshidbek Nurmuhammad oghli.
(2022). PREVENTION OF REVERSE IGNITION IN CAR ENGINES. *World Bulletin
of Social Sciences*, 12, 63-69. Retrieved from
<https://scholarexpress.net/index.php/wbss/article/view/1177>.

11. Насиров, И. З., & Қўзиболаева, Д. Т. (2022). ИЧКИ ЁНУВ
ДВИГАТЕЛЛАРИНИНГ ЭНЕРГЕТИК ВА ЭКОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ
ЯХШИЛАШ. *RESEARCH AND EDUCATION*, 1(7), 216-219.

12. Насиров И.З. YANGI G’OYALARNI ISHLAB CHIQISH//JOURNAL OF
NEW CENTURY INNOVATIONS VOLUME– 18 | ISSUE- 5 DECEMBER– 2022-
<http://www.newjournal.org/> 49-56 б.

13. Насиров Илхам Закирович, Тешабоев Улуғбек Мирзаахмадович.
“ТУГАЛЛАНМАГАН ЖУМЛАЛАР” МЕТОДИНИ ҚЎЛЛАШ ЭВАЗИГА ЎТ
ОЛДИРИШ СВЕЧАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ// О‘ЗБЕКISTONDA
FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, «BEST
PUBLICATION» Ilm-ma’rifat markazi ©, 2022 14-SON, 590-598 б.
<https://bestpublication.org/index.php/ozf/article/view/2487>.

14. Насиров Илхам Закирович. ИЖОДКОРЛИККА ЁРДАМ БЕРУВЧИ ВА
ТЎСҚИНЛИК ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР // О‘ЗБЕКISTONDA FANLARARO
INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, «BEST
PUBLICATION» Ilm-ma’rifat markazi ©, 2022 14-SON, 605-611 б.
<https://bestpublication.org/index.php/ozf/article/view/2489>.

15. Sayidkamolov Islomjon Rakhmatullo ugli, Nasirov Ilham Zakirovich.
SIMULATION OF THE PROCESS OF SELECTION OF THE OPTIMUM TYPE OF
ROLLING STOCK FOR TRANSPORTATION OF MEDICINES TO THE
CONSUMER// *World Bulletin of Social Sciences (WBSS)* Available Online at:
<https://www.scholarexpress.net> Vol. 17, December,2022 ISSN: 2749-361X, 176-184 p.

16. Насиров Ильхам Закирович. (2022). МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ
ЭТИШНИНГ ШАКЛЛАРИ. *Конференц-зона* , 327–332. Получено с
<https://www.conferencezone.org/index.php/cz/article/view/867>.